

# ОЛДИ – СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 1/2

«25» Январ 2022 йил

Самарканд шаҳар

«Аҳад Барака Чорва» Х/К кейинги ўринларда “етказиб берувчи” деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи М.Бойназаров номидан, бир томондан ва Волоят болалар махсуслашган сикатгохи, кейинги ўринларда “Бюртмачи” деб юритилади, Ўзининг Низоми, асосида иш юритувчи бош шифокор Ж.К.Равшанова, номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар хақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(махсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига ўз вақтида сифатли килиб етказиб бериш, Сотиб олувчи эса товар(махсулот)ни қабул килиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Товар (махсулотлар) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	ККС	Баҳоси
1	Макарон	кг	20	8000	20869	160000
2	Сабзи	кг	50	2000	13044	100000
3	Кунгабокар ёғ	кг	15	16000	31304	240000
4	Картошка	кг	100	5000	65217	500000
5	Пиёз	кг	50	2000	13044	100000
6	Сарик ёғ	кг	20	40000	104348	800000
7	Тухум	дона	800	1000	104348	800000
8	Гуруч	кг	25	9000	29348	225000
9	Жухори ёрмаси	кг	15	5000	9783	75000
10	Нухат	кг	20	15000	39130	300000
11	Чой (кук)	кг	5	40000	26087	200000
12	Томаг	кг	5	15000	9783	75000
13	Шакар	кг	25	9000	29348	225000
14	Мош	кг	10	12000	15652	120000
15	Туз	кг	10	2500	3261	25000
16	Карам	кг	50	3000	19565	150000
17	Турп	кг	50	3000	19565	150000
18	Гречка	кг	15	12000	23478	180000
19	Ун маҳаллий	кг	20	5000	13044	100000
20	Шолгом	кг	30	3000	11739	90000
	<b>Жами:</b>	<b>х</b>	<b>х</b>	<b>х</b>	<b>601956</b>	<b>4615000</b>

1.2. Шартноманинг умумий суммаси **4615000** (Турт миллион олти юз ун беш минг) сўми ташкил қилади

## 2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

- 2.1. “Бюртмачи” мазкур шартномани газначилик бошқармасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 20 банк иш куни ичида конунчиликлари мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30 % миқдорида (шартнома суммасидан 30% миқдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70 % ни товарни олгандан сўн 20 банк иш куни ичида қабул қилиш-топириш далолатномаси, хисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.
- 2.2. “Етказиб берувчи” аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли хисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 5 банк иш куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.
- 2.3. “Етказиб берувчи” амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.
- 2.4. “Бюртмачи” товарларни қабул қилишда “Етказиб берувчи” иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган товарларга мувофиқлигини текшириши шарт.
- 2.5. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиниш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи хисобидан амалга оширилади.
- 2.6. Бюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.
- 2.7. Етказиб берилган товар бевосита Бюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.
- 2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Бюртмачининг ҳуқуқлари:

Етказиб берувчидан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Бюртмачи хисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартларида бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра куйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;

- камчиликларни бегараз бартараф этиш;

- Етказиб берувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2. Бюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур шартномага мувофиқ етказиб берилган товарларни қабул қилиш;

- товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. Етказиб берувчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

- “Бюртмачидан” олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний хисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

- Бюртмачидан шартномага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

- Бюртмачига товарларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;

- агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи шартнома шартлари ва меъёрлардан ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигидан четга чиқиб йўл қўйган ҳолларда Бюртмачининг талаби бўйича 3- кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни бегараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги конунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган хисобланади.

## 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Товарларни танлаб олмадик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.